


**Юридик хизмат фаолиятида
хұжжатлар (буйруқлар, шартномалар
ва юридик тусдаги бошқа ҳұжжатлар)
лойиҳаларининг
юридик техникаси**

**Касбий күнікмаларни ривожлантириш кафедрасы
профессори в.б., ю.ф.д (DSc), Д.Б.Рахимов**

ХУЖЖАТ



хукукий ахамиятга эга бўлган факт ва воқеаларни тасдиқловчи, лозим даражада тузилган ва зарурий реквизитлари (штамп, имзо, муҳр, сана, тартиб рақами) мавжуд бўлган ёзма расмий иш қоғози.

ЮРИДИК ҲУЖЖАТ НИМА?

юридик ҳужжат –
бу юридик маълумотларни
ўз ичига олган ҳужжатдир.




Хужжат лойихаларини тузиш бўйича қоида ва усуллар йиғиндиси, хужжатнинг ички тузилиши, унинг тили ва услуби, ҳукукий (юридик терминология), хужжат лойихаларни бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилиш санъати ҳақидаги қоидалар



ЮРИДИК ТЕХНИКА

ЮРИДИК ТЕХНИКА

норматив-хуқуқий ҳужжатларни тез ва пухта тайёрлашнинг ташкилий-техник қоидалари ва норматив ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритишни тўғри ташкил этишнинг усули ҳамда ҳужжат лойиҳасини тузишда қонуншунос фикрини яна ҳам аниқроқ ифодалаш воситаси ҳамдир.





ЮРИДИК ТЕХНИКА = УСУЛ, УСЛУГ ВА ВОСИТАЛАР ЙИҒИНДИСИ





✓ Юридик ҳужжат матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши лозим.

✓ Юридик ҳужжат тили – расмий ўзбек адабий тили қоидаларига изчил риоя этиши керак.



Юридик ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда баён этилиши лозим.

Давлат ҳокимиюти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланади.

Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро анжуманларда давлат тили, шунингдек қатнашчиларнинг ўzlари танлаган тиллар анжуманинг иш тили ҳисобланади (9-модда).

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади, ишловчиларининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мүмкин (10-модда).



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
Қонуни

Давлат тили ҳақида
(янги таҳрири)
1995 йил 21 декабрь,
167-І-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги 168-І-сонли қарорининг 2-бандига мувофиқ мазкур Қонуннинг 9 ва 10-моддалари 2005 йилнинг 1 сентябридан эътиборан кучга киради.



Хужжатлар биринчи ва учинчи шахс номидан қуидаги параметрлардан фойдаланган ҳолда ёзилиши лозим:

стандарт А4 форматдаги қоғозға қора рангда;

12–14 үлчамли “Times New Roman” шрифтида;

чап ҳошияси 3 см, ўнг ҳошияси 1,5 см, юқори ва паст ҳошияси 2 см;

биринчи қатор хатбошиси 1,27;

қаторлараро оралиқ (интервал) 1–1,2 үлчамда;

бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида 1 рақами қўйилмайди.

3 см

2 см

**2020 йил
шахри**

Жиноят иши қўзғатиш ҳақида

(қарор чиқарувчининг мансаби, унвони, ф. и. ш.)

(қандай ҳолат ёки ҳодиса)
юзасидан тўпланган материаллар билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ:

(аниқланган ҳолат ёки ҳодисанинг қисқача мазмуни)

Бу ходисада жиноят белгилари мавжудлигини ва бундай ҳолатда дастлабки тергов ўтказиш мажбурийлигини назарда тутиб,
Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 321, 322-моддалари _____ қисми, 330-модда 1-қисми, 331, 336, 345-модда қисмларига қўлланиб

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг _____ бўйича
қўзғатилисинг. (моддаси, қисми, банди) билин жиноят иши

2. Дастлабки терговни олиб боришлик _____ га топширилсин.
(кимга)

3. Бу қарор тўғрисида манфаатдор томонларга маълум қилинсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 338-
моддасига асосан қарор устидан _____ прокурорига шикоят қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

4. _____ қарорнинг нусхаси _____ прокурорига юборилсин.

(mansabi) (unvoni)

(imzo)

(ф. и. ш.)

- A 4

- 14
ўлчамда

- қора
рангда

- Cambria

6 ҳарфдан
иборат жой
ташланиши

1 ёки 1,5
қаторлараро
оралиқ

2 см

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
хузуридаги Мажбурий ижро бюроси Мажбурий ижро
бюроси жойлашган манзил, Мажбурий ижро бюроси
жойлашган худуд бўлимига

Даъвогар ташкилотнинг жойлашган ҳудуди,
Даъвогар ташкилот жойлашган қўча номи кўчаси,
Даъвогар ташкилот жойлашган уй рақами-ўйда
жойлашган Даъвогар ташкилот номи ва ташкилий
хуқуқий шаклидан

1,5 см

1,27 см

3 см

1-1,2
ўлчамда

АРИЗА

(Ижро хужжатини ижро этиши тўғрисида)

Иқтисодий суднинг жойлашган манзили иқтисодий суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган санада даъвогар даъвогар ташкилот номи ва ташкилий хуқуқий шаклининг жавобгар жавобгар ташкилотнинг номи ва ташкилий хуқуқий шакли ҳисобидан жавобгар ташкилот асосий қарз миқдори сумма сўм асосий қарз, жавобгар ташкилот қарзининг пеня миқдори сўм пеня, жавобгар ташкилотдан ундириладиган давлат божи миқдори сўм давлат божи ҳамда жавобгардан ундириладиган почта харажатлари миқдори сўм почта харажатлари ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қабул қилинган. Мазкур ҳал қилув қарорига асосан, Ижро варақаси берилган санада ижро варақаси берилган.

Ўзбекистон Республикаси «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиши тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасига кўра, фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари ижро этилиши лозим бўлган суд хужжатлари ҳисобланади. Шунингдек, ушбу қонунининг 7-моддасига биноан, судлар ўzlари қабул қиласиган суд хужжатлари асосида берадиган ижро варақалари ижро хужжатлари ҳисобланади.

Хусусан, Қонуннинг 23-моддасига кўра, давлат ижрочиси ижро хужжатини ижро хужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзгатиши шарт.

A 4

12-14
ўлчамқора
рангTimes
New
Roman

Юқоридагиларга асосан,

С Ў Р А Й М А Н:

Мазкур ижро варақасини ижро иши юритувига қабул қилишингизни,

Ижро иши қўзғатишни ва жавобгар жавобгар ташкилотнинг номи ва ташкилий ҳуқуқий шакли ҳисобидан жавобгар ташкилот асосий қарз миқдори сумма сўм асосий қарз, жавобгар ташкилот қарзининг пеня миқдори сўм пеня, жавобгар ташкилотдан ундириладиган давлат божи миқдори сўм давлат божи ҳамда жавобгардан ундириладиган почта харажатлари миқдори сўм почта харажатлари ундиришни.

Илова: Ижро варақаси берилган санада берилган ижро варақаси рақами-сонли ижро варақасининг асл нусхаси, қарздор ҳақида маълумотнома.

Даъвогар ташкилот номи ва
ташкилий ҳуқуқий шакли
Директори

Даъвогар ташкилот
раҳбарининг Ф.И.О

I. ТАШКИЛИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Гувоҳнома, йўриқнома, **низом**, қоида, устав, шартномалар

II. ФАРМОЙИШ ҲУЖЖАТЛАР

ташкилот раҳбари (директор)нинг **буйруқ**, кўрсатма, фармойиши
ҳамда ташкилот (муассаса) қарорлари

III. МАЪЛУМОТ-АХБОРОТ ҲУЖЖАТЛАРИ

ариза, **баённома**, билдиришнома, висиятнома, далолатнома,
ишончнома, маълумотнома, тавсифнома, тавсиянома, таклифнома,
таржимаи ҳол, тушунтириш хати, эълон, ҳисобот

IV. ХИЗМАТ ЁЗИШМАЛАРИ

таклифнома, телеграмма, хатлар, **талабнома**, даъво хати, илтимос хати,
фармойиш хати кабилар

Ташкилий-фармойиш ҳужжатлари зарурий қисмларининг тўлиқ рўйхати қуйидагича:

1. Ўзбекистон Республикасининг герби.

2. Ташкилот ёки корхонанинг рамзий белгиси (эмблемаси).

3. Мукофот тасвири.

4. Вазирлик ёки юқори идоранинг номи.

5. Муассаса, ташкилот ёки корхонанинг номи.

6. Таркибий тармоқнинг номи.

7. Алоқа муассасасининг шартли рақами (индекси), ташкилот ёки корхона манзили, телефон рақами, факс рақами, банқдаги ҳисобрақами.

8. Матн сарлавҳаси.

9. Сана.

10. Шартли рақам.

11. Келадиган ҳужжатларнинг санаси ва шартли рақамига ҳавола.

12. Тузилган ёки нашр қилинган жойи.

13. Ҳужжатни олувчи (адресат).

14. Тасдиқлаш устхати.

15. Муносабат белгиси (резолюция).

16. Ҳужжат турининг номи.

17. Назорат ҳақида қайд.

18. Матн.

19. Илова мавжудлиги ҳақидаги қайд.

20. Имзо.

21. Келишув устхати.

22. Розилик белгиси (виза).

23. Муҳр.


24. Нусханинг тасдиқланиши ҳақидаги қайд.

25. Ижрочининг фамилияси ва телефон рақами.

26. Ҳужжатнинг бажарилганлиги ва уни ҳужжатлар йигмажилдига йўналтирилганлиги ҳақидаги қайд.


27. Компьютерга кўчирилганлиги ҳақидаги қайд.

28. Ҳужжат келиб тушганлиги ҳақида қайд.



28 та зарурий қисмнинг ўнтаси нисбатан күп қўлланади, улар **асосий зарурий қисмлар** деб ҳам юритилади:

- ✓ ҳужжат муаллифи (муассаса номи ёки шахсий ҳужжатда имзо кўювчи шахс),
- ✓ ҳужжат турининг номи,
- ✓ сарлавҳа,
- ✓ ҳужжатни оловчи (адресат),
- ✓ келишув ва розилик белгилари,
- ✓ матн,
- ✓ тасдиқлаш,
- ✓ имзо,
- ✓ мухр,
- ✓ илова мавжудлиги ҳақидаги қайд.





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
YURISTLAR MALAKASINI OSHIRISH MARKAZI
MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
LAWYERS' TRAINING CENTER**

100052, Toshkent shahri, Katta Darxon ko'chasi, 6-uy, tel.: (99871) 234 56 02,
el.pochta: yurmarkaz@adliya.uz, uzmarkaz@exat.uz, www.uzmarkaz.uz

Хужжатнинг биринчи бетидаги матн бланкда, кейинги бетлардаги матн бланк билан бир хил ҳажм ва сифатда бўлган тоза қофозда ёзилади.

Хужжатлар бланкаларида четки бўш жойлар бўлиши керак (чап томонда — 20 мм; юқорида камидা — 10 мм; ўнг ва пастда камидা — 8 мм).



Хужжатлар матнларини икки қисмга ажратиш тавсия этилади:
биринчи қисмда хужжат тузишнинг асослари ёки сабаблари
кўрсатилади, **иккинчисида** — қарорлар, фармойишлар, таклифлар,
фикрлар, хуносалар, илтимослар баён этилади.

Агар хужжат мазмунини тушунтириш ва асослаш зарурати
бўлмаса, матн битта хуноса қисмдан иборат бўлиши мумкин:
буйруқлар таъкидлаш қисмисиз қарор қисми, хатлар —
тушунтиришсиз илтимос қисми ва шу кабилар.

Хұжжатлар мазмунига күра икки турли бўлади:

- 1) содда ҳужжатлар муайян бир масалани ўз ичига олади;
- 2) мураккаб ҳужжатлар икки ёки ундан ортиқ масалани ўз ичига олади



Хужжатларга иловалар қуидаги расмийлаштирилади:
агар хужжат матнда күрсатилған иловага эга бўлса:

Илова: варакда;

агар илова матнда эслатилмаган бўлса, иловалар номи санаб кўрсатилади,
масалан:

Илова: низом лойиҳасига таклифлар..... варакда.

агар ёзишма бир нечта манзилга жўнатилаётган бўлиб, улардан бирига илова
юборилса, бу ҳолда илованинг қайси манзилга юборилиши кўрсатилади.

Агар иловалар рисолаланган бўлса, вараклар сони кўрсатилмайди.



- ✓ Хужжатдаги фикрни аник, лўнда баён қилишда хатбошининг аҳамияти ҳам катта.
- ✓ Ҳар бир янги, алоҳида фикр хатбоши билан ажратилиши, бир хатбошидан иккинчи хатбошигача бўлган матн 4–5 жумладан ошмаслиги мақсадга мувофиқ.

Хужжат
матнидаги жумла
нечта сўздан
иборат бўлиши
керак?



Хужжат шундай тузилиши лозимки, ундаги ҳатто битта “вергул” ни ҳам олиб ташлаш мумкин бўлмасин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонуннинг қўйидаги моддаларига эътибор беринг:

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси

Ўзбекистон Республикаси
Фуқаролиги тўғрисидаги қонун

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил Республикасининг фуқаролари келиб хукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, чиқишлиаридан, ижтимоий ва мулкий жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, жинси, маълумоти, тилидан, динга шахси ва ижтимоий мавқеидан муносабатидан, сиёсий ва бошқа қатъи назар, қонун олдида эътиқодларидан, машғулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

2-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролари келиб хукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, чиқишлиаридан, ижтимоий ва мулкий жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, жинси, маълумоти, тилидан, динга шахси ва ижтимоий мавқеидан муносабатидан, сиёсий ва бошқа қатъи назар, қонун олдида эътиқодларидан, машғулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Иккаласи ҳам хужжат лекин уларнинг ифода усули бир-биридан фарқ қиласди.

Конституцияда ҳаммаси бўлиб 29 та сўз орқали ифодаланган бўлиб, бирорта ортиқча сўз ишлатилмаган.





Хужжатда имло
ва тиниш белгилари
масаласига алоҳида
эътибор қилиш
керак.

Ўзбек адабий тилининг асосий қоидалари:



- ✓ орфографик (юн. orthos - тўғри ва графия) (имловий) қоидалар;
- ✓ пунктуация қоидалари (тиниш белгилари сони 10 та: нуқта, сўроқ белгиси, ундов белгиси, вергул, қавс, тире, кўп нуқта, нуқтали вергул, қўштирнок.
- ✓ лексик (тилнинг сўз бойлиги) қоидалар;
- ✓ атамашунослик ва уни тўғри қўллаш қоидалари;
- ✓ морфологик (сўз туркумлари) қоидалар;
- ✓ синтактик (гап (жумла) тузилиши) қоидалар;
- ✓ вазифавий-услубий қоидалар;
- ✓ расмий иш услуги ва юридик тил қоидалари;
- ✓ юрислингвистик қоидалар;
- ✓ юридик техника ва қонунчилик техникаси қоидалари
- ✓ матнда мантиқий хатоликларга йўл қўймаслик талаблари ва бошқалар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Вазирлар махкамамининг
қарори

Ўзбек тилининг асосий имло
қоидаларини тасдиқлаш ҳақида
1995 йил 24 август,
339-сон


- ✓ Мазкур қарор билан «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» тасдиқланган.
- ✓ Республика вазирликлари, идоралари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, оммавий ахборот воситалари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги барча турдаги ёзишмаларда, матбуотда, иш юритишда ушбу қоидаларни жорий қилиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланган.



Шартнома деб икки ёки бир неча
(жисмоний ёки юридик) шахснинг
хуқуқлари ва бурчларини вужудга
келтириш, ўзгартириш ёки бекор
қилиш ҳақидаги келишувга
айтилади.




Қадимги Рим юристлари:
“Шартнома – бу икки кишининг
қонуни” - деб таъкидлашган. Улар бу
билин шартномани тузиш жараёнида
хуқуқий нормалар яратилади, аммо бу
нормалар аниқ индивидларга
йўналтирилган индивидуал нормалар
ҳисобланишини таъкидлашган.



ШАРТНОМА ТАРАФЛАРНИНГ БИТИМИ (КЕЛИШУВИ) СИФАТИДА ҚУЙИДАГИ БЕЛГИЛАР БИЛАН ХАРАКТЕРЛАНАДИ:

- ✓ тарафларнинг эркини эркин ифодаланиши;
- ✓ унинг мазмунини ташкил этувчи барча муҳим шартлар бўйича тарафларнинг келишганлиги;
- ✓ тарафларнинг мажбуриятлари ўз бўйича харакатларини (қоида тариқасида) ҳак эвазига бажариши;



- ✓ шартнома муносабатларида тарафларнинг тенглиги;
- ✓ шартномани ижро қилишнинг юридик кафолати;
- ✓ шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик.



1. Шартноманинг номи (маҳсулот етказиб бериш шартномаси, иморатни ижарага олиш шартномаси, пудрат шартномаси каби).

2. Шартнома тузилган сана.

3. Шартнома тузилган жой.

4. Шартнома тузатган томонларнинг аниқ ва түлиқ номи (матннинг кейинги ўринларида уларни қисқартириб, шартли номлаш мумкин: «буортмачи», «институт», «муассаса», «уй-жойлардан фойдаланиш идораси», «бажарувчи», «ижрочи», «директор», «ходим» каби); томонлар вакилларининг исми ва ота исмлари, фамилиялари, уларнинг ваколат доираси (уларга шартнома тузиш ҳуқуқини берувчи ваколатлар ҳакида).

5. Шартнома матни (бу қисм баъзан бобларга бўлинади, хар бир боб рим рақамлари билан белгиланади. Боблар бандларга бўлиниб, уларнинг тартиб рақамлари араб рақамлари билан кўрсатилади.

Худди шу ерда низоларни кўриб чиқиш тартиби, шартноманинг умумий суммаси, унинг умумий амал килиш муддати ҳам баён қилинади).

Шартноманинг зарурий қисмлари



- 
- 6. Томонларнинг ҳуқуқий манзиллари.
 - 7. Томонларнинг имзолари ва муҳрлари.

Шартномалар уларни тузишга вакил қилинган шахслар томонидан имзоланади; бунда «имзо» деган зарурий кисмда имзо қўйган шахсларнинг лавозимлари эмас, балки шартномавий муносабатлар ўrnатаётган ҳуқуқий (юридик) шахсларнинг (тўлиқ ёки қисқарган) номи кўrsатилади.

Шартномалар икки нусхадан кам тузилмаслиги лозим, чунки хар бир ҳуқуқий шахснинг ҳужжатлар йиғмасида камида бир нусхаси бўлиши керак.

Шартноманинг барча нусхалари бир хил ҳуқуқий кучга эга бўлади.

Шартнома матни варақнинг хар иккала томонига компьютерда бир оралиқ билан ёзилади, бобларнинг бандлари эса ўзаро бир ярим оралиқ билан ажратилади.

«ШАРТНОМА» сўзини катта харфлар билан орасини очиқ қилиб ёзиш тавсия этилади.

**ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти раҳбарияти ва
ходим - Ўзбек тили тарихи ва шевашунослик бўлими мудири билан
тузилган 2020 йил 3 январдаги меҳнат шартномасига
Қўшимча келишув**

2020 йил “___” _____

Тошкент ш.

**I. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг
директори Низомиддин Махмудов (бундан буён “Иш берувчи” деб
номланади) ва Одилов Ёркинжон (бундан буён “Ходим” деб номланади)
мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:**

**- ходим коронавирус эпидемияси муносабати билан, 2020 йил “___”
дан вақтинча масофавий иш усулида ишлаш режимига
ўтказилади;**

**- иш берувчи ва ходим ўртасида ишга доир ҳужжатлар ҳамда
алоқалар электрон тартибда, яъни ходимнинг электрон почтаси ёки
телеграми ва иш берувчининг электрон почтаси ёки телеграми орқали
алмашинади;**

**- ходимнинг иш куни режими, меҳнатга ҳақ тўлаш ва
шартноманинг қолган бандлари ўзгаришсиз, ўз қучида қолдирилади.**


**II. Мавжуд эпидемия хавфи ва карантин чоралари бартараф
этилгандан кейин иш берувчининг буйруғи билан масофавий иш усули
бекор қилинади ва ходимнинг иш фаолияти одатий иш режимига
ўтказилади.**

Томонларнинг манзили ва имзоси:

Иш берувчи:

**100060, Тошкент шаҳри
Шахрисабз тон кўчаси, 5-й
профессор Н.Махмудов**

Ходим:



Шартномани бекор қилиш ҳақидаги келишув

Шартнома тузилган сана

Келишув тузилган жой

Шартнома рақами

Бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи Ташкилот номи номидан Устав асосида иш юритувчи Мансабдор шахс лавозими мансабдор шахс Ф.И.О., бир томондан, ҳамда бундан буён матнда “Ижрочи” деб юритилувчи Ижрочи ташкилот номи, номидан иш юритувчи мансабдор шахсининг лавозими мансабдор шахсининг Ф.И.О. иккинчи томондан қўйидагилар ҳақида мазкур Келишувни туздилар.

1. Шартнома бекор бўлиш сабаби сабабли томонлар Буюртмачи ва ижрочи ўртасида тузилган шартнома санаси кунидаги Буюртмачи ва ижрочи ўртасида тузилган шартнома рақами сонли Буюртмачи ва ижрочи ўртасида тузилган шартнома предмети ёки номи шартномасини бекор қилишга қарор қилдилар.

2. Мазкур келишув тарафлар имзолаган вақтдан эътиборан кучга киради ва шартнома шу вақтдан бекор қилинган деб ҳисобланади.

3. Томонларнинг юқорида айтиб ўтилган Шартнома буйича мажбуриятлари мазкур Келишув кучга кирган вақтдан бошлаб тугатилади.

Томонларнинг ижро этилиши бошланган мажбуриятлари қўйидаги тартибда ижро этилади:

Томонларнинг мажбуриятларини ижро қилиш тартиби кўрсатилади.

4. Шартнома бекор қилиниши муносабатлари бекор қилинар экан, шартнома тарафларида бир-бирларига нисбатан ҳеч қандай эътиroz ва талаб бўлмайди.

5. Мазкур Келишув бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилди.

6. Томонларнинг адреслари, банк реквизитлари ва имзолари

БЮОРТМАЧИ

Манзил: Буюртмачининг манзили

СТИР: Буюртмачининг СТИР рақами

Мансабдор шахс лавозими

Мансабдор шахс Ф.И.О.

Буюртмачининг ҳисоб рақами

Буюртмачининг МФО рақами

Буюртмачининг ОКЭД рақами

ИЖРОЧИ

Манзил: Ижрочининг манзили

СТИР: Ижрочининг СТИР рақами

Мансабдор шахсининг лавозими

Мансабдор шахсининг Ф.И.О.

Ижрочининг ҳисоб рақами

Ижрочининг банк коди МФО

Ижрочининг ОКЭД рақами

29 март 2019 йил

Тошкент шахри

АЖ «Миробод дехкон бозори» номидан Низом асосида иш юритувчи директори в.б. Туйчиев Акрамжон Абдуллахонович куйида «Ижарага берувчи» деб хисобланади, АТ «Халк банки» куйида фирма, корхона, ташкылот ва муассаса «Ижарага олувчи» деб номланувчи, Уз Низомига (патент) асосан иш юритувчи Амантурдиев Илхом Алишерович уртасида ушбу күшимчча келишув тузилди.

Ушбу күшимчча келишув шартномасининг тузилишига Тошкент шахар хокимининг 2019 йил 27 мартағи 460 – сонли “Тошкент шахридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир мартталик ийгимлар, ижара тұловлари ва курсатилган хизматлар кийматининг янги микдорларини жорий этиш тұгрисида”ти карори асос хисобланади.

1. Күшимчча келишув мөннити:

1.1. 2019 йил 02 январда имзоланган № 178 – сонли ижара шартномасининг 2.1. банди, 2019 йил 29 марта қунидан бошлаб бекор килинади ва Тошкент шахар хокимининг 2019 йил 27 мартағи 460 – сонли карорининг 3 – иловасидаги жадвалнинг 4 – бандида курсатилган микдорларда күшимчча келишувнинг 2.1. бандида кайта хисобланниб жадвал күринишида курсатилади.

1.2. 2019 йил 02 январда имзоланган № 178 – сонли ижара шартномасининг 10.2. банди бекор килинади ва күшимчча келишувнинг 3.1. бандида шартнома муддатлари йил охиригача узайтирилади.

2. Тұлов шартлары:

2.1. “Ижарага олувчи” “Ижарага берувчи”га куйида келтирилган микдорда ижара хакини тұлайды:

№	Фаолият түри	Ажратилған ижара жойнинг улчами кв.м	1 м.кв.учун ижара тұлов микдори	1 м.кв.учун ижара коммунал тұлов микдори	1 ойлы тұлов микдори	9 ойлик тұлов микдори
1	1-кават	ноозик-овкат	2,0	66000	132 000	1 188 000
	Жами:		2,0		132 000	1 188 000

3. Бошқа шартлар

3.1. Асосий шартнома ва күшимчча келишувнинг амал килиш муддати: 2019 йил 29 мартаңдан, 2019 йил 31 декабря гача амалда бұлади.

3.2. 2019 йил 02 январда имзоланган № 178-сонли ижара шартномасининг колган барча бандлари ва шартлари үз күчидә колади.

4. Тараптарнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

Ижарага берувчи

АЖК «Миробод дехкон бозори»
Х/Р: 20208000100122947001

Банк: АТБ «Кишлок курилиш банк» Тошкент шахар минтакавий филиали
МФО:00452, ИИН:200985272, ОКЭД:68200
Манзил: Тошкент шахар, Нукус күчаси
Тел.:

Директор т.б.

А.А. Туйчиев

Ижарага олувчи

XALQ BANKI MIROBOD FILIALI
тап: Миробод 1, Ахунбаев, Нукус ко. см. 2/Энг.
Н/р: 1990 9000 1000 0082 0001
MFO: 00820 STIR: 201 051 739
OKPO: 288335 OKONX: 96130
Tel.: 252-55-17, 252-55-15

Ф.И.О.

Хукукшунос
MIROBOD
DEHQON
BOZORI



Хўжалик шартномаси шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) микдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб тарафларнинг қилиш тартибини, мажбуриятларини, ёки лозим даражада бажарилмагандаги тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонунчиликда белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Хўжалик шартномаларига қўйиладиган талаблар



База 10-модда.

қуидагилар күрсатилади:

✓ хўжалик шартномасида
кўрсатилган муносабатлар қайси
қонунчилик ҳужжатлари билан
тартибга солиниши;

✓ хўжалик шартларининг
талабларига мос келиш-
келмаслиги;

✓ тарафларнинг жавобгарлиги
меъёри ва низоларни ҳал этиш
тартиби қонунчилик талабларига
мос келиш-келмаслиги.

Юридик холоса





ШАРТНОМАВИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИ
ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТҮФРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

14.09.2021.
ПФ-6313-сон

**2021 йил
1 декабрдан
қуидагилар бекор
қилинади:**



тижорат банклариға етказиб берилган маҳсулот (бажарылған ишлар, күрсатылған хизматтар) учун түловларни учинчи шахслар ҳисобидан қабул қилишга қўйилған тақиқни;

давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлған хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) тўғрисида тузиладиган шартномаларида мажбурий равища олдиндан түловни белгилашга доир талабни;

қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчилари ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномаларда мажбурий равища авансни белгилашга доир талабни.



в) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равища коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгиланади.

Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади;

Таркибий бўлинма ҳақида низом

Корхона
номи

“Тасдиқлайман”
Корхона раҳбари
Имзо Имзо
ёйилмаси

0000.00.00

таркибий
бўлинма
номи ҳақида

НИЗОМ
0000.00.00 № 00
Тошкент

Матн тузилмаси

Умумий қоида
Асосий вазифалар
Олиб борадиган ишлари
Хуқуқ ва мажбуриятлари
Масъулияти
Ўзаро муносабатлари
Ишни ташкил этиш

Таркибий
бўлинма
раҳбари

Имзо

Имзо
ёйилмаси

Розилик белгиси
Низом билан танишдим:

Имзо

Имзо
ёйилмаси

0000.00.00




НИЗОМ

Низом ташкилот ёки унинг таркибий бўлинмалари, кичик ёки қўшма корхона ва шу кабилар тузилиши, ҳуқуқи, вазифалари, бурчлари, ишни ташкил қилиш тартиботини белгилайдиган ҳуқукий ҳужжат.

Устав муайян муносабат доирасидаги фаолият ёки бирор давлат органи, ташкилот, муассасанинг тузилиши, вазифасини йўналтириб турадиган асосий низом ва қоидалар мажмуидир. Устав бирор орган ёки муассаса вазифалари ва ҳуқукий ҳолатини тавсифлайдиган меъёрий аҳамиятга эга.

Бинобарин, **устав низомга** нисбатан кенг тушунчадир. У кўпроқ маълум бир тармоқ, соҳалар, йирик муассасалар бўйича тузилади.



Бүйрук муйян ташкилот олдида турган асосий ва кундалик вазифаларни ҳал қилиш мақсадида чиқарилади.

Бүйруклар:

- ✓ асосий фаолиятга,
- ✓ кадрлар шахсий таркибиға оид бүйрукларга бўлинади.

Улар кетма-кет тартибда алоҳида ракамланади ва айрим сақланади.



Буйруқнинг асосий зарурий қисмлари:



1. Герб, муассасанинг рамзий белгиси (ланка қисмлари),
2. Вазирлик ва бошқарма номи,
3. Муассаса хос рақами,
4. Ҳужжат шаклининг хос рақами,
5. Муассаса номи,
6. Сарлавҳаси (мазмунидан келиб чиқиб номланади),
7. Санаси,
8. Рақами (№),
9. Буйруқ чиққан жой номи,
10. Ҳужжатнинг номи (Буйруқ),
11. Буйруқ матни (башарти иловалари бўлса, қайд қилинади),
12. Раҳбар ёки ўринбосар имзоси.

Буйруқ лойиҳаси мутахассислар томонидан тайёрланади.

Бош ёки етакчи мутахассислар, юрисконсультлар, бош хисобчи билан келишилади.



Юрисконсультлар буйруқни кўриб чиқиши жараёнида қуидагилар:

✓ масалани буйруқ билан расмийлаштириш мақсадга қанчалик тўғри келиши;

✓ буйруқ лойиҳаси амалдаги қонунларга, хукумат қарорларига қанчалик мувофиқ келиши;

✓ мазкур идоранинг илгари берилган буйруқларига мос келишига эътибор беришлари керак.



Буйруқнинг асосий матни:

- ✓ асословчи (кириш) ва
- ✓ фармойиш қисмларидан таркиб топади.

Асословчи (кириш) қисмида:

- ☞ буйруқдан мақсад,
- ☞ шарт-шароит,
- ☞ сабаблар кўрсатилади,
- ☞ асос қилиб олинаётган буйруқка хавола қилинади (номи, рақами, санаси ёзилади).

Айрим ҳолларда буйруқка асос бўлган ҳужжат унинг фармойиш қисми тегишли бандида ҳам кўрсатилади.

Баъзи буйруқларни асослашга хожат бўлмаслиги мумкин, бундай ҳолларда улар тўғридан-тўғри фармойиш қисми билан ҳам берилаверади.

Буйруқнинг фармойиши қисми янги сатрдан, бош ҳарфлар билан ёзиладиган «**БУЙРАМАН**» сўзидан бошланади.

Шу сўздан сўнг икки нукта қўйилиб, янги сатрдан фармойишлар берилади.

Заруриятга қараб фармойишлар бандларга бўлиниб, арабча рақамлар билан белгиланади. Рақамдан сўнг нукта қўйилиб, сўз бош ҳарфдан бошланади.

Фармойишларда, одатда, ким қандай вазифани қайси муддатда бажариши кўрсатилади.

Ҳаракат мажхул феъл шаклида ифодаланади («Амалга оширилсин», «Таъминлансин», «Юклатилсин», «Хисоблансин» ва х.к.).

Бажарувчилар - ташкилот ёки унинг таркибий қисмлари (бўлимлари), мансабдор шахслар (лавозимлари кўрсатилган ҳолда) кўпинча жўналиш келишиигида кайд килинади.

Буйруқда ишнинг бажарилиш муддати умумий тарзда ёки хар бир фармойишда аниқ кўрсатилиши мумкин.

Буйруқ имзо чекилгандан сўнг кучга киради. Лекин айрим бандларга оид фармойишда кучга кириш муддати аниқ кўрсатилган бўлиши мумкин.



Буйруқнинг фармойиш
қисми охирида буйруқни
назорат қилиш кимга
юклатилғанлиги ҳам қайд
қилиб қўйилади:

«Буйруқ ижросини назорат
қилиш (лавозими ва
фамилияси тўлик ёзилади)
зиммасига юклатилсин».

Баъзи буйруқларда шу
буйруқ муносабати билан
илгариги жорий ёки бошқа
хил ҳужжат бекор
қилинганлиги ҳам кўрсатиб
ўтилади.



**Штат жадвалига ўзгаришлар
киритиш ҳақида буйруқ шакли**

4-илова

**Ташкилот
номи**

**ШТАТ ЖАДВАЛИГА ЎЗГАРИШЛАР
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

0000.00.00 № 00

Тошкент



БУЙРУҚ

муносабати

билин

БЮОРАМАН:

**Ташкилотнинг штат жадвалига куйидаги
ўзгаришлар киритилсин:**

1. _____
2. _____
3. _____

Ташкилот раҳбари


Имзо

**Имзо
ёйилмаси**

Розилик белгиси

1. Муассаса номи,
2. Сарлавда (бамаслаҳат иш кўрувчи орган ёки йиғилишнинг номи),
3. Ҳужжатнинг номи (Баённома),
4. Йиғилиш санаси,
5. Шартли рақами,
6. Йиғилиш жойи,
7. Тасдиқлаш устхати (агар баённома тасдиқланиши зарур бўлса),
8. Йиғилиш раиси ва котибининг фамилияси,
9. Матн: а) қатнашувчилар рўйхати ёки сони; б) кун тартиби; в) эшитилди; г) сўзга чикдилар; д) қарор қилинди.
10. Иловалар (агар улар мавжуд бўлса),
11. Имзолар.

Баённоманинг асосий зарурый қисмлари:



Мажлис баённомаси

кириш

асосий қисмдан иборат.

Кириш қисми кун тартиби билан тугайди.

Кун тартибидан сўнг икки нуқта қўйилиб, кўриладиган масалалар тартиб рақами билан берилади.


Хар қайси масала алоҳида сатрдан ёзилади. Уларнинг ўзаро тартиби масаланинг долзарблиги ва муҳимлигига қараб белгиланади.

Мажлис баённомасида КУН ТАРТИБИни бош келишикда ифодалаш ва бош (катта) ҳарфлар билан ёзиш керак.

Кун тартибидаги масалаларни баён қилишда маъruzачининг исми, фамилияси, лавозимини алоҳида жумла билан ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Баъзан кун тартибининг охирги қисмida «Турли масалалар» сарлавхаси билан алоҳида қисм бериладики, бу мақсадга мувофиқ эмас, чунки кун тартибидаги ҳар бир масала аниқ ва равshan бўлиши лозим.

Матннинг асосий қисми кун тартиби масалаларига мувофиқ жойлашади.



**Хар бир бўлим:
ЭШИТИЛДИ,
СЎЗГА ЧИҚДИЛАР,
ҚАРОР ҚИЛИНДИ** қисмидан иборат

Бу сўзлар бош (катта) харфлар билан ёзилади.


Агар кун тартибида икки ёки ундан ортиқ масала кўриладиган бўлса, «ЭШИТИЛДИ» сўзидан олдин кун тартибидаги масалаларнинг рақами қўйилади, сўздан кейин эса икки нуқта қўйилиб, янги сатрдан маъruzачининг исми, фамилияси бош келишикда ёзилади.

Фамилиядан сўнг тире қўйилиб, маъруза ёки хабарнинг қисқача мазмуни баён қилинади.

Агар маъруза матни тайёр ҳолда бўлса, тиредан кейин «Матн илова килинади» деб ёзиб қўйилади.

«СЎЗГА ЧИҚДИЛАР» бириқмаси ҳам айнан шу шаклда ёзилади.

Зарурият бўлганда, кавс ичида хар бир сўзловчининг иш жойи ва лавозими кўрсатилади.




Масалан: СҮЗГА ЧИҚДИЛАР: А.И.Рахимов
(мактаб директори) - ...

Мажлисда берилган саволлар хам баённомада ёзилади. Маъruzачига саволлар ва уларга бериладиган жавоблар «СҮЗГА ЧИҚДИЛАР» бўлимига киритилади ва кўрсатилган тартибда расмийлаштирилади («савол» ва «жавоб» сўзлари ўрнида сўровчининг исми, отасининг бош харфлари ва фамилияси; жавоб берувчининг исми, отасининг бош ҳарфлари ва фамилияси эса факат саволга маъruzачининг ўзи жавоб бермаган холлардагина кўрсатилади).

Матннинг учинчи қисмида муҳокама этилган масала бўйича қарор қабул қилинади. «ҚАРОР ҚИЛИНДИ» бирикмаси хам бош харфлар билан ёзилади.

Кун тартибидаги хар бир масала юзасидан алоҳида-алоҳида «ЭШТИЛДИ», «СҮЗГА ЧИҚДИЛАР», «ҚАРОР ҚИЛИНДИ» сарлавҳалари қўйилади ва сўзловчилар нутқининг қисқача мазмуни, қабул қилинган қарор расмийлаштирилади.



**Сирғали туман ўқувчи ва ёшлар илмий-техника ижодиёти маркази жамоаси
йиғилишининг З-рақамли
БАЁННОМАСИ**

2016 йил 18 сентябрь

Раис - М.С.Рахимов

Котиб - С. П. Махмудов

Қатнашдилар: 65 киши (рўйхат илова қилинди)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мактабдан ташқари тарбия муассасалари олдига қўйилган вазифалар ва уларни амалга ошириш. Маъruzachi O. Karimova.

2. Марказ жамоасининг биринчи ярим йил учун тузилган иш режасини тасдиқлаш. Маъruzachi O.R.Soliева.

3. Наврўз байрамига бағишланган адабий-бадиий кеча уюштириш. С. Каримов ахбороти.

1. ЭШИТИЛДИ:

1. Каримова - маъруза матни илова қилинди.

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

А.Мирақбарова - (Нутқининг қисқа мазмуни ёки саволи баён қилинади).

П.С.Чориев - (Нутқининг қисқа мазмуни ёки саволи баён қилинади).

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

(Қабул қилинган қарорлар баёни ёзилади).

2. ЭШИТИЛДИ:

О.Р.Солиева - (Маърузасининг қисқача ёки тўлиқ баёни ёзилади).

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

Т. Ахмедова –

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

(Қабул қилинган қарорлар баёни ёзилади).

3. ЭШИТИЛДИ:

С. Каримов ахбороти - (Ахборотнинг мазмуни баён қилинади).

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

(Қабул қилинган қарорлар баёни ёзилади)

Раис

(имзо)

М.С.Рахимов

Котиб

(имзо)


С.П.Махмудов

Тошкент шаҳри

Баённомадан күчирма куйидаги асосий қисмлардан иборат:

Ташкилот номи.

1. Ҳужжат номи (Баённомадан күчирма),
2. Саны (мажлис үтказилган сана),
3. Шартлы рақам,
4. Баённома тузилган жой,
5. Матн: а) КУН ТАРТИБИ; б) ЭШИТИЛДИ; в) ҚАРОР КИЛИНДИ.
6. Имзолар.
7. Нусха тасдиқланғанлиги ҳақида белги (мухр билан).



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори институти илмий кенгаши йиғилишининг
17-рақамли

БАЁННОМАСИДАН КУЧИРМА

2019 йил 10 октябрь

Тошкент шаҳри

КУН ТАРТИБИ:

3. «Халқаро терминэлементларнинг изоҳли- иллюстратив лугати»
китобини нашрга тавсия этиш. А. Мадвалиев ахбороти.

3. ЭШТИЛДИ:

А. Мадвалиев - Илмий кенгаш аъзоларини «Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив лугати» билан батафсил таништирди. Ушбу лугат 1000 дан ортиқ терминэлементни камраганлиги, уларнинг ҳар бири хозирги кун талаби даражасида изоҳланганлигини кўрсатиб ўтди.

3. ҚАРОР ҚИЛИНДИ:


1. «Халқаро терминэлементларнинг изоҳли -иллюстратив лугати»
нашрга тавсия этилсин.

2. Масъул муҳаррир этиб филология фанлари доктори
Н.Махмудов тасдиқлансин.

Раис
Котиб

(имзо)
(имзо)

И.О.Ф.
И.О.Ф.



ТАЛАБНОМА

(лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, асосий қарз ва унга ҳисобланган пеняни ундириш ҳамда лизинг объектини қайтариш түгрисида)

«_____» МЧЖ ва «_____» МЧЖ ўртасида 2018 йил 01 январда __ -сонли лизинг шартномаси имзоланган. Мазкур лизинг шартномасининг 1.1-бандига кўра, Лизингга берувчи лизинг объектини шартномада кўрсатилган муддатда топшириши, Лизингга оловучи эса лизинг объекти тўловларини шартномада кўрсатилган муддатда тўлаш мажбуриятини олган.

Лизингга берувчи 2018 йил 30 январда лизинг объектини Лизинг оловчига топширган ва бу ҳақда тегишли тартибда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилган. Аммо Лизинг оловучи томонидан шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмасдан келмоқда. Шунга кўра, 2018 йил 01 март ҳолатига «_____» МЧЖнинг «_____» МЧЖ олдида (2018 йил январь ойидан 2018 йил март ойигача З ойлик давр учун) жами _____ сўм қарздорлиги мавжуд.

Шартноманинг 3.3-боби «б» бандига кўра, мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганда, Лизингга берувчи лизинг объекти суммасининг 2/3 қисми тўлаингунга қадар шартномани муддатидан олдин бекор қилишни ҳамда лизинг объектини қайтаришини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунининг 25-моддасига кўра, товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Шунга кўра, _____ сўмнинг 0,5% = _____ сўм бўлади.

Мазкур суммани кечиктирилган кунга, яъни 90 кунга кўпайтирсак,
 $90 * \underline{\hspace{2cm}} = \underline{\hspace{2cm}}$ сўмни ташкил этади.

Демак, бунда _____ сўмнинг 50%ни пеня сифатида ҳисоблаймиз.
 $\underline{\hspace{2cm}} / 50\% = \underline{\hspace{2cm}}$ сўм пеня бўлади.

~~Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартағы ПФ 1938-сонлы фармонига асосан, шартнома мажбuriятларини ўз вақтида бажармаган мансабдор шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдөриðа жаримага тортилиши, бундай мажбuriятларни қасөðдан менсемаслик эса жиной жавобгарлық көлтириб чиқарини белгиланган.~~

Юқоридагиларга асосан, қарздор «_____» МЧЖ кредитор «_____» МЧЖга _____ сўм асосий қарз, _____ сўм пеня тўлаши, шунингдек, лизинг шартномасини бекор қилишни ҳамда лизинг обьектини қайтариши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 242-моддасига биноан, 10 кун муддат ичида _____ сўм асосий қарз, _____ сўм пеня тўлашни, шунингдек, лизинг шартномасини бекор қилишни ҳамда лизинг обьектини қайтаришни сўраймиз.

Мазкур сумма тўланмаган ҳамда лизинг обьекти қайтарилмаган такдирда иқтисодий судга мурожаат қилишимиз мумкинлиги ҳақида огохлантирамиз

«_____» МЧЖ

директори /_____

_____/

ТАЛАБНОМА:



17

- талабнома билдирган хўжалик юритувчи субъектнинг ва талабнома билдирилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг номи;
- талабнома билдирилган сана ва унинг рақами;
- талабнома билдириш учун асос бўлган ҳолатлар;
- талабномада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;
- арз қилувчининг талаблари;
- талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари;
- талабномага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.



18

Үзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб **ўн беш кунлик муддат ичида** унга жавоб қайтариши шарт.

Талабномага жавоб хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади.

Талабномага жавоб буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб оловчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда **жўнатилади** ёхуд тилхат олиб топширилади.

Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда хўжалик юритувчи **субъект арз қилувчига** үзи тан олган суммани **ихтиёрий** равишда ўтказади.

Агар талабномани **тан олиш тўғрисидаги** жавобда тан олинган **сумма** ўтказилиши ҳакида маълумот бўлмаса, талабнома билдирилган тараф **жавоб** олингандан сўнг йигирма кун муддат ўтгач, банк муассасасига қарздор тан олган суммани сўзсиз тартибда ўтказиш тўғрисидаги **фармойишни** тақдим этишга ҳақли. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади.


ЎзР Фанлар академиясининг
илмий-тадқиқот институтлари
ва илмий-ишлаб чиқариш
бирлашмалари раҳбарларига

ЎзР Инновацион ривожланиш вазирлигининг сўровига биноан Фанлар академияси Президиуми Сиздан ЎзР Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2018 йилда тайёрланган «Илм-фан ва инновацион фаолият тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни» ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни 2018.30.12 гача Илмий кадрлар бошқармасига йўллашингизни сўрайди.

Сиз билдирган фикр-мулоҳазалар қонунинг такомиллашишида асқотади, деб ўйлаймиз. Қонун лойиҳасини regulation.gov.uz порталидан олишингиз мумкин.

Вице-президент _____ С.З.Мирзаев

ФАРМОЙИШ ХАТИ



The background image shows a wide-angle view of a mountainous landscape under a clear blue sky. The sun is positioned in the upper left quadrant, emitting a bright starburst effect. The foreground features a grassy field with several large, leafy trees. In the middle ground, more trees are visible along with rolling hills and distant mountain peaks. The overall scene is bright and sunny.

ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАҲМАТ!